

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР УСЛУБИЯТИГА ДОИР

Азамат Пардаев (СамДУ)

Тилимизда ёрдамчи сўзларнинг функционал-стилистик имкониятлари жуда хилма хилдир. Уларнинг ўзаро ҳамда бошқа грамматик воситалар билан синонимик муносабатга киришиши ва функционал дифференциацияси бу элементлар ўртасидаги реляцион алоқа имкониятларининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради ва ҳар бир ўрин алмашиш жараёни улардаги алоҳида маъно нозикликларининг юзага чиқишига сабаб бўлишини кўрсатади. Бу эса уларни танлаб ишлатиш имкониятини вужудга келтиради. Қуйида ўзбек тилининг энг фаол ёрдамчи сўзларидан бири - *учун* кўмакчисининг функционал-стилистик хусусиятлари таҳлил қилинади.

Учун кўмакчиси нарсա-ҳодисалардаги аталганлик, хослик, тегишлилик маъноларининг шаклланишига ҳамда ҳаракат-ҳолатнинг вужудга келишига сабаб бўлувчи ёки уни амалга оширишдан мақсад кабиларни юзага чиқарувчи ёрдамчи восита вазифасини бажарадиган сўздир.

Ҳ.Бердиёров уни аташ, сабаб, мақсад, бирор киши ўрнига, бирор предметнинг эвазига, предметга бўлган жўналиш, бирор кимса ёки бирор предметнинг фойдаси учун, бирор киши ёки бирор нарсанинг номи учун, бирор нарсa ва ҳодисанинг натижаси учун, қандайдир сифатни, ҳолатнинг бирор предмет ёки шахсга кўчишини, таъсир этишлигини ифодалаш учун, шароитни ҳисобга олиб, бирор кимса, ҳодисанинг моҳиятини ва хослигини билдириш учун, «ўрнига» сўзи маъносида, тегишлилик, хослик учун, мақсад ва сабаб маъноларида қўлланишини айтади¹. Ҳ.Неъматов эса «*Учун* кўмакчиси анча барқарор маънога эга бўлиб, асосан, бирор нарсa-предмет аталмиш объектни, ҳаракатнинг мақсадини ёки сабабини ифодалайди», деб таъкидлайди².

Ушбу кўмакчи ҳозирги ўзбек адабий тилида жуда ҳам фаол. Шунинг учун ҳам уни вазифавий услубларнинг биронтаси доирасида чегаралаб кўйиш мумкин бўлмайди ва биз ҳам унинг барча услублар учун барабар эканлигини таъкидлаймиз. Фақатгина унинг *-чун* варианты вазн билан боғлиқ ҳолатларда қўл келганлиги сабабли поэзия матни учун хосланган деб айта оламиз: *Тинчлик-чун* курашнинг зўр карвонида, *Яловдор сарбондир қудратинг сенинг* (Зулфия), *Юрак парчасидан топган-чун* бунёд, *Тўғри қалбга келиб киради сўзи* (Зулфия) каби. Кўмакчининг бу шакли бошқа вазифавий услублар учун хос эмас. Сўзлашув услубида унга дуч келинадиган ҳолат ҳам адабий тил меъёри нуктаи назаридан ижобий ҳодиса сифатида баҳоланиши керак эмас.

¹ Бердиёров Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўнгкўмакчилар: Филол.фан. номз. ...дис-я. – Самарқанд, 1949. 43-45 бетлар.

² Неъматов Ҳ.Ғ. XI-XII аср ёзма ёдгорликларида кўмакчилар//Ўзбек тили грамматик қурилиши, лексикология ва диалектологияси масалалари. V чиқиши. – Самарқанд:СамДУ нашри, 1976. 40–б.

Ҳ.Бердиёров бу кўмакчининг чук шакли ҳам мавжудлигини қайд этган³. У ҳозирги ўзбек адабий тилида фақат биргина *нечук* таркибида сақланиб турибди: *Бу нечук қабоҳат, бу нечук таҳқир, / Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар* (А.Орипов).

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу кўмакчи ҳақида қуйидагилар айтилган: «Учун. кўм. (б.к.билан). 1. Нарсанинг кимга, нимага аталганлигини, бағишланганлигини ёки кимнинг, ниманинг фойдасига бажарилганлигини кўрсатади. *Ҳамма нарса галаба учун. Укам учун китоб олдим.*

2. Иш-ҳаракатнинг нима мақсадда бажарилиши кўрсатади. *У бу ерга дам олиш учун келган.*

3. Иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги асос ёки сабабни кўрсатади. *Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлғудай ҳоригани учун, ҳамма отларга Йўлчи қаради* (Ойбек). *Шунинг учун боғл. шу сабаб билан, шу сабабдан, шунга кўра. Нима учун қандай сабаб билан, нима сабабдан, нима туфайли, нимага.*

4. Фикрнинг кимга, нимага нисбатан айтилишини кўрсатади. *Мен учун турмушда ҳамма нарса ойдин*»⁴. Айтилганлар ушбу кўмакчининг синонимик муносабатларини аниқлашга кўмаклашади.

Юқорида таъкидланганидек, илмий адабиётларда унинг ўзи билан бирга келган сўзда мақсад, сабаб, аташ, белгилаш, мўлжаллаш, эваз сингари семантик маъноларнинг шаклланишига кўмаклашиши қайд этилади. Бинобарин мана шундай ҳолатларда у айрим сўзлар билан синонимик муносабатга киришиши мумкин бўлади. Масалан, мақсад маъносини ифодалаган айрим ҳолатларда у жўналиш келишиги кўрсаткичи *–га* билан синоним бўлиши мумкин: *Мана, шод юракнинг севгисин қўшиб, / Чевар қўлингизга бермоқ учун гул* (Зулфия). *Мана, шод юракнинг севгисин қўшиб, / Чевар қўлингизга бермоққа гул. Аммо маликанинг суратини чизиш учун менда на санъат бор, на ҳақ ва на журъат!* (П.Қодиров)/ *Аммо маликанинг суратини чизишга менда на санъат бор, на ҳақ ва на журъат! Мен аёлни қизим-қизим дейин дедим – катта одамни қизим дейиш учун тилим бўлмади* (Т.Мурод) *Мен аёлни қизим-қизим дейин дедим – катта одамни қизим дейишга тилим бўлмади.*

Аммо бошқа мисоллар таҳлили учун/*–га* синонимиясининг грамматик имкониятлари кўлами кенг эканлигидан далолат беради. Жумладан, бундай пайтларда у ҳаракатнинг йўналтирилганлигини ифодалайди: *Сендек қурбақатахлит бек учун Хонзода бегимнинг суратини чизиб бериб мен аҳмоқ эмасмен!* (П.Қодиров). Аталганликни билдиради: *Улар шоир ва ҳаттотнинг ҳурматлари учун* газал битилган зарварақларни олиб, нон каби кўзларига суртиб қабул қилдилар (П.Қодиров). Тегишлиликни англатади: *Фақат унинг бундан бир неча соат олдин Бобирга қариши фитна уюштириб юргани ўтирганлар учун сир эди* (П.Қодиров). Айни пайтда, бу каби ўрин алмашишда таъкид кучаяди. Объектни кўрсатади: *Ҳозир улар учун энг беҳатар жой - Тошкент эди* (П.Қодиров).

³ Ўша ерда. 49-бет.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. – М.:Русский язык, 1981. II том 288-б.

Келтирилган мисоллардан ҳамма вақт ҳам учун ни -га билан алмаштириш мумкин деган хулоса келиб чиқмайди. Масалан, *Ўзинг учун ул етим, деган гап бор, Маҳмуд...* (П.Қодиров) гапида уни ўзаро алмаштириш зўрама-зўракиликни, ҳатто услубий ғализликни келтириб чиқаради: *Ўзингга ул етим, деган гап бор, Маҳмуд...* Бу расмий услубда яна ҳам сезилади: *Хулосанинг сифати, холислиги ва тайёрлаш муддати учун ташилот раҳбари масъулдир* (ОАК Низомидан). *Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади* (Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан).

Бу ҳолат учун кўмакчиси ёрдамида шаклланаётган грамматик маъно билан боғлиқ. Аталганлик маъносининг вужудга келишига хизмат қилаётганда -га ҳамма вақт учун нинг ўрнини боса олмайди.

Бундай жараёнда у мақсадидида сўзи билан ҳам синоним бўлади: *Бирга қолиш учун сен билан Куяману, бўлмайман адо* (Зулфия) / *Бирга қолиш мақсадидида сен билан Куяману, бўлмайман адо*; Бундан алами келган *Маҳмудхон ўша ёқларда ўзига тарафдорлар топиб, қўшин йигиб Шайбонийхондан қасд олиш учун* яна *Сирдарё бўйига келади* (П.Қодиров). *Гоҳида конфет шимиб ёзган шеърларини ўқиб берса, гоҳо ҳеч нарс қилмайди- шунчаки, ўзини кўрсатиш учун чиқади* (Э.Аъзамов). *Бешинчидан, у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадидида чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур* (Ё.Тўрақулов. Биохимия).

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, кўмакчи вазифасида қўлланиладиган мақсадидида сўзида китобий хосланганлик кўзга ташланади. Масалан, илмий услубда: *Давлат фақат шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадидида фаолият кўрсатади* (С.Отамуродов. Политология). *Индекслаш мақсадидида ҳар бир синфга - паст синфга ва айрим ферментларга тўрт рақамли ўнлик код бўйича номерлар қўйилган* (Ё.Тўрақулов. Биохимия). Расмий услубда: *Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаравонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадидида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин* (Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан). *Илмий ва илмий педагог ходимларни аттестациядан ўтказишда ошкораликни кучайтириш мақсадидида аттестация органлари фаолиятига оид масалалар «Олий Аттестация Комиссияси бюллетени» журналида ёритиб борилади* (ОАК Низомидан).

Сўз маънолари ўртасидаги яқинликлар ва грамматик вазифани бажаришдаги бир хилликлар учун га қасдида сўзининг ҳам синоним бўла олиши мумкинлигини кўрсатади: *Саркаш ўйларини қувиш қасдида Ҳазратнинг ёниқ бир ҳикматини пичирлаб қироат қилди* (С.Сиёев).

Аталганлик маъносини эса -га/учун синонимиясида кўплаб кузатиш мумкин: *Ичкаридан ҳам ўқлар отилди, аччиқланган навкарларнинг ҳақоратлари эшитилди, аммо хон қўшини билан олишиш учун ҳеч ким юрак ютиб чиқолмади* (П.Қодиров). / *олишишга*; *Сенингдек йигитлар учун албатта битта хотин ҳам ортиқчалиқ қиладир, - деб кулди Ҳомид* (А.Қодирий) / *йигитларга*. Шеърый асарларда вазн талаби билан уларнинг бири ўрнида иккинчиси фаол қўлланилаверади: – *Шул оқшом мен учун*

борлиқ сен эдинг. Ёлғиз сени кўрдим, сен-ла олдим тин (Зулфия) / **менга; Сен учун бахт муаммо эмас, Эрк, хуррият меросинг, қўзим (Зулфия)/ Сенга.**

Аталганлик маъносида синонимия **деб** сўзи билан ҳам кузатилади ва бунда белгили ёки белгисиз бўлишидан қатъий назар кўмакчидан олдин келган сўз тушум ёки жўналиш келишигида бўлади: *Мен севган дилдорнинг севган юрти бор! Ишқ доим эрк учун ҳижронга рози (Зулфия)/ эрк деб; Қўзғал, қутқар дединг, қўзғалди эл-халқ, Ҳар қарич ер учун қилдик қаттиқ жанг (Зулфия) / ер деб; Ибрат бўлсин учун бутун халқ олдида осадилар (Т.Мурод) / Ибрат бўлсин деб.* Мана бу мисраларда шоира Зулфия уларни бир матнда келтиради ва уни маҳорат воситасига айлантиради: **Сен учун очилган, сенга деб** уздим, / Ол, - дединг, - қўлингда сўлса майлига (Зулфия).

Шундай бир ҳолат диққатга сазоворки, синонимик муносабатга киришиши мумкин бўлган учун ва деб баъзан бир матннинг ўзида бу вазифани бажара олмаслиги мумкин: *Пахта инсон учун яралганми ё – Инсон пахта учун келган дунёга? (Э.Воҳидов)/ Пахта инсон учун яралганми ё – Инсон пахтани деб келган дунёга?* Бу каби алмаштириш услубий ғализликка олиб келади: **Сиёсат учун** говни ясоққа етказмоқдан бошқа илож йўқ! (П.Қодиров) / **Сиёсат деб.**

Мана бу мисол ҳам улар англатган семантик маъно нуқтаи назаридан характерли: *Бу дунёда сен учун юрибман / Бу дунёда сени деб юрибман* дейилганда, аталганлик эмас, балки ўзини бахш этишлик, бахшидалик оттенкаси намоён бўлади. Қуйидаги мисоллар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин: *Аҳмадбек, мендек жанговар беклар учун* подшоҳ ҳозир сиздеклардан қанчасининг баҳридан ўтур! (П.Қодиров). *Бир этак фарзандларим онаси бўлмиш аёлимиз, мен учун* қўли косов аёлимиз, *мен учун* сочи супурги аёлимиз айбимдан ўтсин – аёл аралашмиш иш очиқ мазор бўлади (Т.Мурод). Демак, *мен излаган, мен истаган қиз қайрададир яшамоқда – мен учун, мени бахтиёр қилиш учун!* (Э.Аъзамов)

Учун кўмакчиси феъл негизларидан мақсад равиши ясовчи –гани/-кани/-қани ва унинг поэтик варианты –гали билан синонимик муносабатда бўлади: - «**Алдаш учун** бола яхши!» - ўйланди Ёқуббек умид билан (П.Қодиров)/ «**Алдагани** бола яхши!» - ўйланди Ёқуббек умид билан; Ахир, *ростдан ҳам, шифо топиш учун* келган одам, қулай фурсат – санитария кунидан фойдаланиб, куппа-кундузи касалхона ҳаммомида, тоза, **озода бўлиш учун** кириладиган жойда... (Э.Аъзамов) Юлдузлар ўтига бардош берурман, Фазолар тафтига қилурман тоқат. Ёнингга соғ-омон қайтиб келурман, Оташ **нигоҳингда ёнғали** фақат (А.Орипов). *Дўст учун бахш этгали* минг бошли бўл, *ишқ ичра лек Бир гуҳар басдур* юракка иккинчи кўплик қилур (О.Матжон).

Сабаб маъносини ифодаланганда бу кўмакчи -га ва сабаб бирликлари билан алмашина олади: *Меҳр дуо учун* саналиб осий, *Соғинч, интизорлик ҳамроҳ бир гадо Сингари* кутаман иссиқ саломинг (Зулфия). *Лекин сиз менинг шахтимни қайтарганингиз учун* ҳали пушаймон бўлурсиз! (П.Қодиров). *Номардлар* купайиб **кетгани учун** мардона кийиндим!

(П.Қодиров). *Ҳаво нима учун* ана шу норасида гўзаларимни ер тепкилайди (Т.Мурод).

Шу ўринда унинг *туфайли* кўмакчиси билан ҳам синоним бўла олишини таъкидлаймиз: *-На сарой, тахт учун* кесилган бошлар, / *На қалқон бор, на бир шоҳона ясан* (Зулфия). *Отлиқ чопарлар дом-дараксиз кетганликлари учун* мирзо энди қанотлик «чопар» ларини ишга солмоқчи эди (П.Қодиров). *Хотинлари орасида энг ёши улуги ва энг обрўпарастии Фотима Султон бўлганлиги учун* мирзо биринчи бўлиб уни юқорига таклиф қилди (П.Қодиров). *Бошқа йигитлардек ортиқча ўринсиз сарфларим бўлмагани учун* оз замон ичида уч- тўрт тилла пуллик ҳам бўлдим (А.Қодирий).

Мазкур кўмакчи *боис/боисидан/боисдан* сўзи билан ҳам синоним бўла олади: *Шу боис* – аёлимиз лой олиб берди, мен девор урдим (Т.Мурод). *Шу боис* туман ва хўжаликдаги обрўли кишилар, оилалар билан учрашувлар ўтказамиз («Зарафшон» газетасидан). *Шу боис* газетхон сифатида мазкур мавзуга муносабатимизни билдиришни жоиз деб топдик («Зарафшон» газетасидан). *Маккаи мукаррама азимати боисиндин* қутлуг шаҳристониимизга ташириф буюрганингиздан бошимиз осмон юксалди (С.Сиёев). Бу синонимлик, айниқса, *шунинг учун* эргаштирувчи боғловчи шаклига мос келади: *Сўнгги гапни Бобир буйруқ оҳангида айтди, шунинг учун* Қосимбек бошқа эътироз қилолмади (П.Қодиров). *Кун асрдан оғиб шомга яқин, шунинг учун* гузардаги дўконлардан очуги уч-тўртта, жумладан, Ҳасанали ҳам ярим очиқ дўкони олдида ўлтирар эди (А.Қодирий).

Гарчи *учун* ва *боис* кўмакчилари ўртасида синонимик муносабат мавжуд бўлса ҳам, уларнинг вазифавий чегараланиши хусусида бир хил гапириб бўлмайди. Таъкидланганидек, *учун* да услубий нейтраллик мавжуд. Аммо *боис* кўмакчисида хосланганлик пайқалади. Масалан, *Мамлакат ҳудудида адолатни, ҳуқуқий тартиботни таъминлайди, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади, шу боис* қонун жамиятда умумижтимоий муносабатларни тартибга солишининг, тартиб-интизомни, ҳуқуқий тартиботни таъминлашининг ягона воситаси ҳисобланади (Қонун ва тил.–Тошкент.1997.93-94-бет). *Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис*, маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди (С.Отамуродов. Политология) каби мисолларда илмий баён услубини пайқаш қийин эмас. Мана бу мисолларда эса оммабоп руҳ сезилиб туради: *Вилоятимиздаги бир нечта жамоаларда бўлганимизда кўрган–кечирганларимиз боис* шундай фикрларни баён этаяпмиз («Зарафшон» газетасидан). *Ёш қизалоқнинг ота-оналари никоҳдан ўтмаганлиги боис*, қизалоқнинг ёшлиги моддий етишмовчиликлар гирдобидида ўтди («Зарафшон» газетасидан). *Андижон миробларининг бошлиғи бўлган бу одам гардани жуда гўштдор бўлганлиги учун* ҳўкизга ўхшаб бўйинини бир оз олдинга эгиб юрар, шунинг учун орқаваротдан уни «гов», деб аташар эди (П.Қодиров). *Фақат Зунунбек арғун ўзининг Ҳизабрулла бўлишига ва Шайбонийхоннинг қиличини синдиришга ҳали ҳам ишонгани учун* бир неча

юз навкарини хон қўшини қаршисига бошлаб чиқиб, охирги нафаси қолгунча олишди (П.Қодиров).

Гарчи кам учраса-да, учун нинг чиқиш келишиги кўрсаткичи -дан билан ҳам синонимик муносабатга киришиши мумкинлигини кузатамиз: *Изтиробинг дилимга озор–Ишқ ҳижрони билганим учун* (Зулфия)/ *Изтиробинг дилимга озор–Ишқ ҳижрони билганимдан*. Бола отасининг сўзларидаги маънони дуруст *тушунмагани учун* бунчалик тез ва осон «хўп» деди (Зулфия). Қалъа баланд тепаликда *тургани учун* унга сув чиқмас, сувни мешкобчилар ташиб келтиришар эди(П.Қодиров).

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да йўл сўзидаги 16 маънонинг изоҳи берилиб, жумладан уларнинг охиргисида шундай дейилган: «(эғалик ва ўрин-пайт келишиш қўшимчалари билан) «Учун» кўмакчиси маъносида қўлланиб, нарса ёки иш-ҳаракатнинг бирор нарсага қаратилганини, бағишланганлигини билдиради. *Ватан йўлида жонни фидо қилмоқ*» дейилган⁵. Демак, йўл сўзининг эғалик ва ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олган шакли – *йўлида* учун кўмакчисига синоним бўла олади: *Ҳақ йўлида* ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила, *Айламак бўлмас осон ҳаққин адо юз ганж ила* (Навоий). *Олма гули нопармон, лаблари хандон-хандон, Урфу одат йўлида қанчалар қурбон, қурбон* (Зулфия). *Очилмай хазон бўлган севги йўлида Мард хотиннинг сиймоси дилбар ва жонон* (Зулфия).

Шундай қилиб, таҳлиллар учун кўмакчисининг синонимик кўлами кенг эканлиги, *деб, сабабли, туфайли, мақсадида, боис, йўлида* сўзларига ҳамда – *га/-га/-қа, -гани/-гали, -дан* қўшимчаларига синоним бўла олиши мумкинлигини кўрсатади. Аммо бу синонимик муносабатлар кўмакчили бирикмаларнинг англатган маъноларига кўра фарқланади. Ҳамма ҳолатларда ҳам бу муносабатлар содир бўлавермайди. Агар шундай бўлса, улар стилистик оттенкалари билан фарқланади.

⁵ Ўша ерда. I том, 352-353 бетлар.